

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **312 Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

#### **[Кўчирма]**

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тизимили мониторинг қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, шунингдек демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашда фуқаролик институтларининг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти таъсисчилари Кенгашининг:

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти этиб (бундан кейин — ФЖШМҚМИ);

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий (вилоят, шаҳар) ахборот-таҳлил марказларини — ФЖШМҚМИнинг худудий бўлинмалари этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Умумий штат бирлиги 294 ходимдан иборат бўлган ФЖШМҚМИнинг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг минтақавий бўлинмаларига оид намунали тузилма 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ маъкуллансин.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис эканлиги белгилаб қўйилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги «Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ф-1796-сонли фармойишида белгиланган вазифалар билан бир қаторда ФЖШМҚМИ фаолиятида қўйидагилар муҳим ўрин эгаллаши белгилаб қўйилсан:

мамлакатда кечётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнлар-

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ни, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва хукукий онги юксалиб боришини, очик демократик давлат қурилиши, «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида хар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолаш;

мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва модернизациялаш истиқболларини тизимли ўрганиш, аҳолининг турли қатлам ва гурухлари манфаатларини ифода этадиган демократик фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда миллатлароро ва динлароро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жараёнларида мазкур институтларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, сайлаш эркинлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлашда фуқаролик институтлари ролини ошириш, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таълим ва соғлиқни сақлаш, ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асрар ва бошқа шу кабилар соҳалардаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини, ўзаро алокаларини мустаҳкамлаш;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланишига, мустақил фикрлайдиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгалладиган, мамлакатни янгилаш ва ислоҳ қилишда ҳақиқий ҳал қилувчи куч ва таянч бўладиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустахкам эътиқодига эга ёшларни тарбиялашга қаратилган давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тизимли таҳлил қилиб бориш;

мамлакатда рақобатдош кўп партияли тизимни янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқаруvidаги ролини босқичма босқич кучайтириб бориш, ижтимоий, бозор, суд-хукуқ ислоҳотларини амалга ошириш, давлат ва ҳокимият тузилмаларининг фаолияти устидан жамоат назоратини олиб бориш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-кувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг институтлари мустаҳкамланиши ва ривожланиши, хукукий демократик давлат қурилиши соҳасида тараққий этган демократик мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Белгилаб қўйилсинки, ФЖШМҚМИнинг худудий бўлинмалари Институт олдида турган умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, тегишли худудларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ривожланишига оид мониторинг материалларини тизимли равишда умумлаштиради, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларига тўсиқ бўлаётган, шу жумладан бюрократизм, коррупция, расмиятчилик, давлат ва жамият томонидан олиб борилётган ислоҳотлар моҳияти ва маз-

мунини тушунмаслик каби аниқланган муаммоларни таҳлил қиласди ва ушбу материалларни Институтга тақдим этади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ФЖШМҚМИнинг худудий бўлимлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун зарур бўлган ташкилий, моддий-техникикавий шарт-шароитлар яратишни энг мухим вазифа деб хисобласин;

бир ой муддат ичидаги ФЖШМҚМИнинг худудий бўлимлари зарур ташкилий техника, мебеллар, алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида шинам бинога муддатсиз бепул ижарага бериш шарти билан жойлаштирилишини таъминласин, ажратилган бинолар ва хоналарда капитал, жорий таъмирлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этсин.

ФЖШМҚМИ ва унинг худудий бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича биринчи галдаги тадбирлар рўйхати З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. ФЖШМҚМИ мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодиёт, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистик маълумотлари;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг оммавий коммуникация соҳасини мониторинг қилиш марказининг бюллетенлари ва кундаклик маълумотлари тўплами;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижтимоий-иктисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар марказининг хорижий матбуот шарҳлари ва таҳлилий маълумотномалари.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси икки нусхадан «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами» ва даврий нашрлар билан ҳамда Институтнинг самарали фаолияти учун зарур китоб маҳсулотлари (хукукий, ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий адабиётлар)ни ФЖШМҚМИга бепул тақдим этсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

ФЖШМҚМИ замонавий алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат телефоны ҳамда Институт ва унинг худудий бўлимлари кенг қамровли Интернет тармоғи билан жиҳозланишини;

ФЖШМҚМИнинг ахборот-коммуникация тизими модернизация қилинишини, Институтнинг маънавий-маърифий фаолиятига замонавий ахборот воситалари ва технологиялари жорий этилишини, унинг худудий бўлимлари зарур компьютер техникалари билан жиҳозланишини таъминласин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

\* З-илова рус тилидаги матнда берилган.

**30 (478)-сон**

**— 7 —**

**312-модда**

сининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Раҳмонкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 июль,  
ПҚ-1576-сон